

ЎЗБЕК БОЛАЛАР АДАБИЁТИ: ЯНГИЛАНИШ ЗАРУРАТИ

Гулноза Аҳматовна ЖЎРАЕВА

Доцент, филология фанлари номзоди

Ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси кафедраси

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети
Тошкент, Ўзбекистон

НЕОБХОДИМОСТЬ ОБНОВЛЕНИЯ УЗБЕКСКОЙ ДЕТСКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ

Гулноза Ахматовна ДЖУРАЕВА

Доцент, кандидат филологических наук

Кафедра методики преподавания узбекской литературы

Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы им. Алишера Навои
Ташкент, Узбекистан

THE NEED TO UPDATE UZBEK CHILDREN'S LITERATURE

Gulnoza Akhmatovna DZHURAEVA

Candidate of Philological Sciences, Associate Professor,

Faculty of Methods of Teaching Uzbek Literature

Alisher Navoi Tashkent State Uzbek Language and Literature University
Tashkent, Uzbekistan uzbektili@mail.ru

UDC (УЎК, УДК): 81'367.335.

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):

Жўраева Г.А. Ўзбек болалар адабиёти: янгиланиш зарурати// Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2021. — № 5 (40). — С. 124-134.

<https://doi.org/10.36078/1639128854>

Received: August 27, 2021

Accepted: October 17, 2021

Published: October 20, 2021

Copyright © 2021 by author(s).

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Open Access

Аннотация. Болалар шеърятдаги шаклий изланишлар даврлар мобайнида мазмунан бойиб, ўзида наворликни касб этиб борди. Аслан мазмун нисбатан турғун, шакл ўзи ўзгарувчан хисоланади. Азалий мавзулар ҳисобланган ишқ-муҳаббат, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш кабилар минг йиллардан буён турли шаклларда адабий маҳсулот ўлароқ шеърят ихлосмандлари кўлига етиб бораётгани ҳам бунинг далилидир. Болалар адабиётдаги кенг кўламли мавзулар ўзига хос шаклларни тақозо этади. Шакл ва мазмун бирлашган нуқтада асар мукамаллашади. Унинг қиймати ортади. Болалар учун яратилган асарларда ифода лўндалик, ихчамлик, фикрнинг аниқлигини тақозо қилади. Чунки болаларнинг тафаккури шундай асарларни қабул қилиши нисбатан осон бўлади. Минг йиллар давомида шаклланган қолиплар парчаланиши, яъни шаклий изланишларнинг адабиёт майдонига чиқишига ҳам инсонлар тафаккуридаги янгиланишлар сабаб бўлган, албатта. Инсоният онгу шуурига тааллуқли бўлган янгиланиш эҳтиёжи болаларга ҳам тегишлидир. Болалар диққатини жамлаш, уларни жалб қилиш, осон иш эмас, албатта. Шакл мазмунга етаклаб борувчи воситалардан бири ҳисобланади. Шакл билан ўзига жалб қилган асар мазмунан ҳам болалар учун кизиқарли бўлади.

Ушбу мақолада ўзбек болалар адабиётида мавзунинг янгиланишига бўлган бугунги эҳтиёж, тадрижий такомил ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: болалар адабиёти; замонавий технология; мавзу доираси; инновация; мумтоз адабиёт.

Аннотация. Исследования форм детской поэзии со временем приобрели новаторский характер. Содержание литературы остается относительно стабильным, но при этом меняется форма как таковая. Об этом свидетельствует тот факт, что на протяжении тысячелетий литературные произведения, посвященные вечным темам, таким как любовь, борьба между добром и злом, в различных формах находят своего читателя — любителя поэзии и по сей день. Освещение тематически разноплановой детской литературы требует определенной формы. И в случае сочетания формы и содержания на свет появляется шедевр. Ценность данного произведения не возрастает в разы. Произведения, созданные для детей, требуют лаконичности, краткости и ясности мысли. Так детскому уму относительно легче воспринимать такие произведения. Разрушение стереотипов, сформировавшихся на протяжении тысячелетий, то есть появление исследований различных форм в области литературы, конечно же, также было связано с абсолютно новым видением мира. Поиск нового присущ человеческого разуму, он свойственен и детям. Привлечь внимание детей, увлечь их, конечно, непростая задача. Форма — один из инструментов, служащих более яркой и полноценной передаче содержания. Привлекательное по форме произведение будет интереснее и понятнее детям. В статье рассматривается актуальная необходимость обновления тематики в узбекской детской литературе, ее постепенное развитие.

Ключевые слова: детская литература; современные технологии; сфера применения; нововведение; классическая литература.

Abstract. The study of the forms of children's poetry has acquired a novel approach over time. The content of the literature remains relatively stable, but the form itself changes. This is evidenced by the fact that for millennia, literary works devoted to eternal themes such as love, the struggle between good and evil, in various forms find their poetry-lover reader to this day. Coverage of thematically diverse children's literature requires a certain form. The unity of the form and content creates a masterpiece when are united. Works created for children require brevity, concision and cohesion. Thus, it is relatively easier for a child's mind to perceive such works.

Breaking down the stereotypes formed over the millennia, that is, the emergence of studies of various forms in the field of literature, undoubtedly, is related to a completely new vision of the world. To attract the attention of children, to captivate their imagination, is, certainly, not an easy task. The form is one of the tools that serves to convey the content more vividly and fully. A work that is attractive in form will be more interesting and understandable for children.

The article discusses the urgent necessity to update topics in Uzbek children's literature, as well as its gradual development.

Key words: children's literature; modern technologies; scope; innovation; classical literature.

Кириш. Янгиланиш эҳтиёжи инсоннинг улғайиши, фаолиятининг ўсиб бориши ҳамда турмуш тарзидаги, умуман, ҳаётидаги эврилишлар билан боғлиқ. Инсон ҳамиша гўзалликка эҳтиёжманд. Адабиёт ҳам шу эҳтиёж сабаб вужудга келгандир, балки. Бугунги кунда бутун дунё кишиларининг турмуш тарзи, иш фаолияти, ўй-кечинмалари, фикрлаши тубдан ўзгарди. Бунга, албатта ички ва ташқи омиллар ҳам сабаб бўлди. Инсон кўнглидаги кечинмалар унинг атрофидаги ўзгаришлар билан уйғунлашиб янгиланиш, бошқача айтганда, замонавийлашиш эҳтиёжини юзагага келтирди. Замонавийлашиш эҳтиёжи, бу — замон талаблари билан бирга ҳаракатланишдир. Ушбу жараёнда назарга олинадиган энг биринчи масала — техника, технология тушунчалари билан боғлиқ. Техника ва технологияга нисбатан инсоннинг мослашишини табиий қабул қилиш мумкин, лекин бу янгиланишни адабиёт, бадиий ижод ўзида қандай акс эттириши керак деган масала ҳам бор. Айниқса, болалар адабиётида унинг бадиий талқинини ўрганиш бугуннинг муҳим мавзуларидандир.

Асосий қисм. Бугун ҳар бир боланинг қўлида гаджет, бўлмади деганда, улар смартфон, компьютер ва бошқа шу турдаги воситалардан қандай фойдаланишни яхши билади. Адабиёт, бадиий асар болалар қўлидаги техниканинг ўрнини эгаллаши учун айна шу ўзгаришларни ўзида намоён этиши керак бўлади. Бу — бадиий асар, умуман, адабиёт бутунлай замонавийликка хизмат қилиб қолиши керак дегани эмас, албатта. Шундай бир “адабий мураса” йўлини танлаш керакки, унда замонавийлик билан анъана уйғунлашиб кетсин. Бугунги бола бадиий адабиётни рад этмаган ҳолда қўлидаги смартфондан фойдалансин. Бунинг учун болалар ўқийдиган асарлар ўзига тортувчи — жозибатор бўлиши керак. Бундай шеърлар, асарлар бугунги болалар адабиёти намуналари орасида ҳам мавжуд. Аммо уларнинг янада кўпроқ бўлиши болаларимизни адабиётга яқинлашишига хизмат қилган бўларди. Бундай асарлар орқали болаларнинг ўзи муккасидан кетган техника олами янгиликларини кашф этишлари мумкин бўларди.

Шоир Худойберди Комиловнинг “Замонавий шолғом эртаги” деб номланган шеъри айнан шундай характерда:

Бобом бошлади

Чиқазолмади.

Бувим ишлади

Чиқазолмади.

Шу тариха шеърда болақайнинг дадаси, ойиси, опаси, акаси киришиб, тиришиб чиқазолмагани айтилади. Нимани, шолғомними? Йўқ, ечим шеър охирида маълум бўлади:

Масала оғир,

Уриндик қанча.

Компютерда охир

Ечди сичқонча.

Машҳур “Шолғом” эртагида ҳам энг охирида сичқон ёрдам келади ва шолғом ердан чиқади. Худди шу ҳолатни шоир масала ечиш ҳолатига кўчириб, охири бунда ҳам сичқонча, яъни компьютернинг “сичқонча”си орқали иш ҳал бўлганини айтар экан, бу ғалати ўхшашлик — шоирнинг кашфиётидан ўқувчи ҳам оғир масалани ечган боладек енгил тортиб, хурсанд бўлса, ажаб эмас. Мазкур шеърнинг муваффақияти ҳам мавжуд анъанани замонавийлик билан гўзал уйғунликда тасвирлаб беролганидандир.

Шу ўринда айтиш мумкинки, айниқса, болалар адабиётида, хусусан, шеърлятида ана шундай кашшофлик, янгича назар билан охор тўқилмаган фикрларни айтиш, гўзал тасвирлар орқали ёш китобхонда

хайрат ва завқ ҳиссини уйғотиш, унинг эстетик дидини тарбиялаш мумкин (1, 25).

Мазкур шеър асосида айнан халқ оғзаки ижоди намунаси ҳисобланган “Шолғом” эртагининг олингани ҳам асар ютуғидир. Замонавийлик анъанавийлик билан уйғунлашганда яна ҳам кўпроқ аҳамият касб этади. Яъни техника ютуқларининг адабиётдаги анъаналарни рад этмасдан бадиий тасвирга кўчиши мақсадга мувофик. Ҳар қандай бадиий асар пойдеворида миллийлик ва анъананинг мавжудлиги унинг ҳаётийлигини таъминлайди. Албатта, мазкур шеър яратилганига ҳам анча бўлди. Бугунги яратилаётган асарлар орасида шунга ўхшашлари кам топилади. Ўхшашлик деганда, айнан такрорлар назарда тутилмаётир, албатта. Бу асарлар бугунги болалар кўлидаги гаджетларнинг муҳим қирраларини очиб бериши керакки, болалар кўлидан бу техник воситалар тушмай қолгани каби асарда уларнинг акс этган хусусиятлари ҳам улар тилидан тушмай қолиши керак. Ана шундай асарлар болалар адабиёти учун жуда зарур. Қачонки, болалар қизиқадиган, уларнинг ҳаётида мавжуд бўлган нарсалар шеърда жонланса, улар болалар қалбида ҳам жонланади. Бугун болаларга тўптош, беркинмачоқ каби ўйинлар бир қадар узок, ҳатто улар зерикарли ҳам. Бу ўйинлар катта ёшли инсонлар учун бугун болаликни ёдга соладиган ширин хотира, холос. Бу ўйинларнинг бугунги болалар ўйинлари билан ўхшашлигини топиш эса муаллиф ижодий қувватига боғлиқ масала бўлиб қолади.

Ўзбек болалар адабиёти, хусусан, шеърятти мавзу кўламининг торлиги, анча саёзлашиб кетгани ҳам бор гап. Булар жиддий танқид қилинмайди. Қуруқ қулгидан иборат шеърлар бу адабиётда кўпайиб кетди. Теран мазмунли шеърларни топиш учун китобхон анча изланиши зарур бўлиб қолди. Бунинг олдини олиш, қуруқ, савиясиз шеър ёзаётган ижодкорларни савалаш ўрнига бугун болалар нашрларида шундай шеърларга алоҳида ўрин берилмоқда. Катталар учун ижод қилишга маҳорати етмаган кўплаб ижодкорларнинг бугун “осонроқ” ижод қилиш мумкин бўлган болалар адабиётига “ўтиб олаётганини” ҳазм қилиш қийин. Бир вақтлар катта адабиёт вакиллари ҳам болалар учун шеърлар ёзган, асарлар яратган. Жаҳон адабиётида шухрат топган Пушкиннинг, Толстойнинг ҳам болалар учун гўзал асарлари бор. Ўзбек адабиётида ҳам жаҳид адабиёти намояндаларидан бошланган бу анъанани Эркин Воҳидов давом эттириб, болалар учун бир-бирдан чиройли шеърлар ёзган эди. Негадир бугун бу анъана кузатилмайди. Аслида, ўзини адабиётга дахлдорман деб ҳисоблаган ҳар қандай шахс адабиёт юкини кўтаришни болалар учун асарлар яратишдан бошлаши керак. Чунки инсонни адабиётга ошно қилиш болаликдан бошланмас экан, уни кейинчалик уйғотиш мураккаб масалага айланиб қолиши мумкин. Болалар адабиётининг кучи, имкониятларига тўғри баҳо бериш, унинг аҳамиятини ошириш бугуннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Болалар шеърятти, умуман, адабиётининг мавзу кўлами шу қадар кенг бўлиши керак. Эҳтимол, бола асарлардан айримларини бугун ўқиб тушунмас, аммо кун келиб, албатта, ўқиганлари моҳиятини англаб етади. Ёшлиқда олинган билим тошга ўйилган нақшдир, деб бежиз айтилмаган. Болаларга мумтоз адабиёт анъаналарини, мазмунини ҳам бугундан бошлаб, болалар учун яратилган адабиётлардан бошлаб сингдириш керак. Уларга комил инсон ғояси, ўзликни англаш каби тушунчаларни содда, нисбатан оғир бўлмаган атамалар, ўзларига аён ҳақиқатлар ёрдамида англаши керакки, эртага янги авлод Навоийни тушунмаймиз баҳонаси остида уни ўқишдан воз кечмасин. Навоийни ўқир экан, болалиқда ёд олган шеърларидаги теран маъно ёдига келсин. Бугун

болалар адабиёти ана шундай асарларга мухтож. Болалар адабиёти болалар учун махсус битилиши, унда болаларга янги қадамлар учун пойдевор ясаши лозим. Албатта, шундай мазмун касб этган асарлар ҳам ўзбек болалар шоирлари ижодида топилади. Масалан, шоир Рустам Назарнинг “Рангли фаввора” шеърига диққат қилайлик:

*Сохталиқдан наф йўқ-да,
Хатосини англарми?
Кўз-кўз айлаш лозимдир,
Ўзингда бор ранглари (1, 8).*

Бир қарашда ўқувчига мақтанчоқликни, кўз-кўз қилишни ўргатаётгандек туюлган бу шеърнинг илк мисраларига эътибор қаратилса, унда “сохталиқдан наф йўқ”, хатони англаб етиш керак, деган фикр очик ифода топган. Яъни фаввора хатосини тушуниб, сохталиқни бас қилиши керак. Кўз-кўз қилиш ҳам керак, демоқда. Хўш, нимани кўз-кўз қилиш керак? Ўзингда бор нарсаларнигина кўрсатиш керак. Сохталиқ қилиш — хато. У шундай хатоки, кейинчалик одатга айланиб қолиши, самимийликдан узоқ бўлиб шаклланишга сабабчи бўлиши мумкин. Бундай инсонлар ўзлигини топиш ўрнига тақлид ортидан кимнингдир умрини яшаб қўйганини билмай қоладилар. Шунинг учун ҳам фаввора, яъни ҳар бир шахс ўзида борини кўрсатиши, ўзини нотабиий тутмаслиги керак. Бу ғоя мумтоз адабиётимиздаги “Ҳар не истарсен ўзиндан излагил” ёки “Аслингдек кўрин ё кўринганинг каби бўл” мазмунидаги мисраларни ёдга солади. Болага ўзликни англашни тушунтириш эрта бошлаган яхши. Юқоридаги шеърининг образ ҳам тўғри танланган. Чунки фаввора ранг-баранг товланиши ва беғуборлиги билан бошқаларга ўхшамайди ва ва бу ўринда сохтакорлик билан бировга тақлид қилишга ҳожат йўқлиги таъкидланиб, ҳар бир инсон ягона яратилган эканлигига ишора қилинган.

Бугунги болалар шеърлятида ана шундай мазмун касб этувчи шеърларнинг кўпайишига, ўзликни англаш, комил инсон бўлишга интилиш ғоялари тараннумига эҳтиёж катта, унинг ўрнини тўлдиролсак, бу бизнинг катта ютуғимиз. Агар бунга эътиборсизлик қилсак, болалар учун яратилаётган асарлар савиясининг яна ҳам тушиб кетишига йўл қўйишимиз мумкин. Балки бу ҳаракатларни Навоий, Румий асарларини болаларга тушунарли тарзда, насрий баён қилишни бошлаш билан кучайтиришимиз ҳам мумкиндир. Уларнинг ҳикматларида учрайдиган гўзал хулосаларни шеърининг шаклга солиб болаларга етказиб бериш ҳам анча самарали.

Мумтоз адабиёт билан бирга қаторда суфийларнинг комиллик ҳақидаги ғояларига эътибор қаратишимиз зарур. Аслида, бу иккиси бир-бирдан буткул айро тушунчалар эмас, улар бир-бирини тўлдирилади. Шундай экан, болалар адабиётида бу икки мавзунини ажратмаган ҳолда, кичкинтойларга бериш муҳим ҳисобланади. Болаларга мураккаб тушунчаларни беришда кўркмаслик, бу йўлда содда шакллари қўллаб, мазмунга юк бериш керак. Яъни болалар осон ёд олишлари учун шеър шаклини соддалаштириб, унинг маъносини юксалтириш талаб этилади.

Болалар адабиёти намуналари орасида шоир-ёзувчилар балки ўзлари билмаган ҳолда, балки мақсадни тўғри қўйиб болалар учун мана шундай мазмун касб этувчи асарлар яратганлар. Болалар учун ижод қилаётганлар сафида ўз овозига эга бўлиб келаётган ижодкор Зулфира Нўъмонованинг “Осмоннинг фанори” шеърининг тўпламига киритилган “Шодлик саси” шеърисида шундай мисралар бор:

*Гуллар юзин ювганда шабнам,
Қуёш кўрар ўзининг аксин (6, 9).*

Гулларнинг юзини ҳар тонг шабнамлар ювиб қўяди ва бу шабнамлар ўзида ойна ҳам ҳосил қиладики, унда қуёшнинг заррин нурлари товланишини кўришимиз мумкин. Демак, қуёш шабнамда бутунлигича кўринмайди. Қуёш шабнамга нисбатан анча катта эканини бола ҳам билади, аслида. Шундай экан, бу мисралар орқали нима дейилмоқда? Нимага ишора қилинмоқда? Қуёш албатта рамз, у — бутунлик, унинг зарралари эса кўплик — касрат разми. Улар кўп бўлиши мумкин, лекин қуёш битта. Ва мана шу зарралар шабнамда қуёш ўлароқ акс этяпти. Демак, ҳар бир заррада қуёш акс этади. Зарралар йиғилиб, қуёш бўладилар. Қуёш ҳар бир заррасида ўзини кўради ва бу ўзлик учун шабнамлар восита бўлиб келади. Шабнамни бу ерда шаҳодат оламига қиёслаш ҳам мумкин. Чунки зарраларнинг қандай экани уларнинг шаҳодатда қандай эканликлари билан боғланади. Шундай экан, бу шабнамлар ўткинчи дунё тимсоли, ўткинчи бўлиш билан бирга у кўзгу ҳамки, агар Қуёш зарраларга назар ташламоқчи бўларкан, уларнинг бу оламдаги қилган гуноҳу савобларига — амалларига эътибор қаратади. Болалар бу мазмунни тушунмаслиги, тўлалигича англамасликлари мумкин. Лекин буни болалар дарсликларига таҳлилларни киритиш орқали шакллантириш имкони мавжуд. Мана шундай чуқур мазмун касб этувчи болаларга бағишланган шаклан қисқа бўлган асарларга бугун зарурат туғилмоқда.

Бугун асарларда техника тараққиёти акс этиши керак деган масалани ўртага ташлар эканмиз, айни пайтда, халқ оғзаки ижоди анъаналарини ҳам асарларда жонлантиришга ҳам зарурат бор. Зеро, халқ достонлари нафақат адабиётимизнинг, балки миллийлигимизнинг ажралмас қисми. Қолаверса, болалар адабиёти ўзининг бир қанча хусусиятлари билан фольклорга яқин туради. Масалан, шеърларнинг шакл жиҳатдан қисқа мисралардан иборат бўлиши, оҳангнинг ўйноқчилиги, равллиги ва куйлашга мувофиқ келиши... Бугун халқ оғзаки ижоди намуналари ёш авлод учун узоқ ўтмишга айланиб қолиши керак эмас, балки бадиий асарлар у томонга боришда бир кўприк вазифасини ўташи керак. Халқ оғзаки ижоди намуналаридаги халқимизнинг эзгу орзу-истаклари, уларнинг интилишлари, қаҳрамонларнинг сийрату суврати бугунги бола-китобхоннинг туйғуларини уйғотиш, ўтмиш қаҳрамонлари орзу қилган неъматларга ўзлари муяссар бўлаётганини англаб етиши ва шукроналик туйғусини шакллантириш учун хизмат қилиши керак. Қолаверса, халқимиз қадим замонларда тасаввурда жонлантирган халқ қаҳрамонлари бугун замонамизда учраётгани, халқимизнинг азалий интилишлари, юксак орзулари деб билганларини бугун замонамиз қаҳрамонлари амалга ошираётгани уларнинг қалбига ҳам фахр-ифтихор туйғуларини жойлаши аниқ. Қолаверса, халқ оғзаки ижоди намуналарини бойитиб турувчи муболаға, сажъ ва бошқа тасвирий воситалардан бугун болалар адабиётида унумли фойдаланиш асарларга халқчиллик бахш этиши аниқ. Бундай мақомдаги асарлар ўзбек болалар адабиёти намуналари ичидан кўплаб топилади. Масалан, Анвар Обиджоннинг “Мешполвон жангга отланди” достон-қиссаси ёзувчи ўзи айтганидек, ўзбекнинг доно бахшиларига шогирд тушиб, ушбу достонга қўл” (7, 4) ургани ҳам сўзимиз исботидир. Асардаги халқона оҳанглар, қўлланган бадиий тасвир воситалари болалар учун ўта жозибали, Мешполвон эса болаларни ҳам ўзи билан олисларга олиб кетаверади. Унинг саргузаштлари, ташки кўриниши, асардаги воқеалар занжири — барчаси болалар учун бирдек қизиқарли, баъзан шиддаткор, баъзан ғамноклик билан ўқувчининг қалбидан чуқур жой эгалловчи асарлар

сирасига кирди. Ёзувчининг ўзи ёзганидек, ўша омадли Мешполвон келажакда ўз ишлари афсонага айланиб, номи тарихда қолишини ҳали билмаган чоғларидаёқ, ташқи қиёфаси билан бошқалардан яққол ажралиб тураркан: “...икки лунжи ноғора, жағида эшак тепкиси нақлаган чандиқ, қорни нақ қирқ пудлик сандиқ, бурни мушукникидек пучук, елкаси баайни ҳурпайган чумчуқ, бўйни олдинга энқайган, қулоқлари динқайган, оёқ босиши иланг-биланг, боши Ёзёвон чўлидек яп-яланг, кўринишидан камгап-у анқов, аслида маҳмадона-ю мижғов, кўзлари бойқушникидек ола... хуллас, росаям қизиқ бола экан” (7, 4).

Мана шундай тасвири гўзал, анъанадан озикланган асарлар бугунги кун болалари учун ҳам қизиқ бўлиши аниқ. Бундан ташқари, болалар учун яратиладиган асарлар сафига кирувчи жанрлар орасида эртақ-достонлар ҳам учрайди. Улардаги хусусиятларнинг халқ достонлари билан ўхшашликларидан мазмунда ҳам унумли фойдаланиш имконияти мавжуд.

Бундан ташқари, бугунги кунда болалар шеърляти, болалар адабиётида фантастик асарларга ҳам эҳтиёж сезилмоқда. Бола-китобхонлар фантастик асарларнинг гўзал намуналарига иштиёқманд бўлиб турибдилар. Болаларнинг хаёлпарастлиги, орзуларга берилиб турли ўйлар гирдобиди яшаши — уларнинг табиатан фантастиклиги ҳамдир. Болалар шеърлятида аксарият туш мотиви билан боғлиқ шеърлий асарлар фантастик йўсинда. Чунки бу асарларда болалар турли сайёралар бўйлаб тушларида саёҳатга отланадилар, турли оламшумул саргузаштларни бошдан кечириб, гоҳ қахрамонга айланадилар. Аммо буларнинг бари рўё эканлиги асар якунида аён бўлади-кўяди. Бугун миттивойлар бошдан-охир саргузаштга йўғрилган асарларни ўқишни истайдилар. Улар якунда оддийгина туш бўлиб чиқиши керак эмас, балки давомли бўлиши талаб этилади.

Қолаверса, ижод намуналари болалар учун яратилар экан, уларни таълим-тарбияга чорлаши ҳам керак. Дидактик характерда яратилган асарлар кўп. Лекин маърифий хусусиятга эга асарларни кўпайтириш ва бу йўлда жадид болаларимиз анъаналарига суяниш мумкин. Бугунги дидактик қахрамонлар бир вақтнинг ўзида илмли-тарбияли, қолаверса, ўтмиш анъаналари билан бирга замон янгиликларидан яхши хабардор бўлиши керак. Ана шунда улар кичкинтойлар учун муносиб ўртак бўладилар.

Демак, ўзбек болалар шеърлятида, адабиётида мавзу янгиланиши заруратини адабий эҳтиёж ўлароқ қисман қуйидаги мавзуларда кўриш мумкин:

- юксак техника тараққиётини миллий анъаналар билан қоришиқ ҳолда акс эттирган бадиий асарлар;
- мумтоз адабиёт ғояларини ўзида қисқа ва болаларга тушунарли тарзда намоён этувчи ижод намуналари;
- тасаввуфий мазмун касб этувчи шеърлар, ҳикоялар;
- халқ оғзаки ижоди намуналаридан озикланган ва уларнинг оҳангида яратилган асарлар;
- фантастик асарлар ва бошқалар.

Мана шундай мазмундаги асарлар туфайли болалар учун “истеъмол”га яроқли асарлар юзага келади. Моҳият ҳам бир вақтнинг ўзида теранлашиб, кенгайиб боради. Уларни болаларга тутиш ва ундан кейин улардан эзуликларни кутиш кўп жиҳатдан мақсадга мувофиқдир.

Ўзбек болалар шеърлятидаги мавзулар даврлар мобайнида замон талаблари билан ўзгариб борган. “Ҳайрат ул-аброр” достонига киритилган ҳикоятларнинг айримларини болалар учун ўқишга тавсия қилиш мумкин. Улардаги мазмун кўлами эса дидактикага алоқадорлик

касб этади. Улар орқали болаларни инсон қандай бўлиш кераклигига ўргатиш мумкин. Жадид адабиёти намояндалари ижодида эса болаларни саводли қилишга интилиш юқори босқичга олиб чиқилган. Сабаби, бу давр эҳтиёжи, болаларнинг эҳтиёжи эди. Адабиётга кириб келган мавзу янгиланишлари айнан мана шу эҳтиёжлар негизида пайдо бўлди. Уларни давр ва инсон эҳтиёжлари шакллантириб берди. Болаларнинг ёш хусусиятларига эътибор қаратилганда ҳам улар учун муҳими — таълим ва тарбия эди. Шундай экан, болалар адабиётида дастлабки даврларда таълим ва тарбияга алоҳида аҳамият қаратилган. Маърифатпарварлик даври ўзбек адабиёти намуналарида болаларни, умумий маънода инсонларни маърифатга, илм олишга чорлаш ғояси етакчилик қилгани кўзга ташланади. Шунга кўра, образлар ҳам айнан шу мазмун-моҳиятни ифодалашга хизмат қилган. Шу жиҳатдан улар яратган образларни янги атама билан, умумий маънода маърифий образлар деб аташ мумкин. Маърифий образлар ўзидаги бир қанча хусусиятларига кўра, реалистик, рамзий-мажозий, ҳажвий каби турларга бўлинади. Улар ҳам маълум ижтимоий мазмун ёки тарбиявий аҳамият касб этган, албатта. Мазкур давр адабиётида фантастик ҳамда афсонавий образлардан кам фойдаланилган.

Маърифатпарварлик даврида болаларни илм олишга чорлашда ўзига хос образлардан фойдаланилган. Масалан, она — болаларнинг илм олишига сабабчи бўлувчи образ. Қачонки миллат оналари саводли, зиёли бўлиб, ўзлари намуна кўрсатар экан, шундагина болалар илм ола бошлайди. Оналарнинг намуна кўрсатиши ҳам бежиз эмас. Болалар улардан ўрнак олишлари, аввал ҳаракатларида илму амал мутаносиблигини кўришлари керак бўлади. Ана шундай шеърлардан бири Муҳаммад Шариф Сўфизоданинг “Ўқинг, оналар” шеъри хисобланади:

*Мунча ёмон шўрлари пешоналар,
Қизларимиз жорияйи хоналар.*

Мана шундай ўқинч билан бошланган мазкур шеърда оналар ва қизларнинг таълим олишларига катта даъват бор. Улар билимли бўлса, келажак авлод илм олишга қизиқади, шундагина муносиб тарбияга замин яратилади. Жадид адабиёти вакиллари болаларнинг илмсиз бўлишидаги асл сабабларни қидиради. Уларнинг оқибатлари билангина қизиқиб қолмасдан, келтириб чиқарувчи омилларни аниқлашга ва даволашга киришади. Демак, уларнинг фикрича, болаларнинг илмсизлиги оналарга боғлиқ. Маърифатпарварлик даври адабиёти намояндалари нишонни тўғри олган ҳолда, диққат марказини шунга қаратганлар. Улар бир вақтнинг ўзида реалистик образлар яратганлар, чунки ўша қаҳрамонлар даврнинг мавжуд инсонлари бўлган. Бу қаҳрамонларнинг характер хусусиятлари типик, бутун ўзбек оналарига тегишлидир. Келтирилган мисолларда образлардаги хусусиятлараро синтезлашувни ҳам кўриш мумкин. Шунингдек, Сўфизоданинг бошқа бир шеърида кузатилган газета образи миллатни илм олишга чорлаши ва даъват этиши билан характерлидир. Юқорида оналар образи реалистик саналган бўлса, газета мажозий-рамзий характерга эга:

*Яинатиб дил гунчасин, фасли баҳор айлар газет,
Сув бериб кўнгил богини, сабзавор айлар газет.*

Ўткир муболага билан ёзилган мазкур ғазалда таърифи келтирилган газетанинг “дилларни яшнатиши-ю, фасли баҳор айлаши” сабаби унинг миллатга кириб келаётган илм-зиё тимсоли эканлигидир. Бу эса газета рамзи воситасида очиб берилмоқда. Илк марта ушбу

ғазални ўқиганда газета қандай қилиб дилларни яшнатиб юбориши мумкин, деган савол туғилади. Чуқурроқ ёндашилганда эса унинг тимсол эканлиги, маърифат рамзи сифатида танлангани аёнлашади. Илм миллат йўлларини ёритиши, қолаверса, бутун бошли халқнинг янги бир олам очишига сабаб бўлиши мумкин. Юқорида келтирилган шахс ва нарса-предмет образлари орқали маърифий мақсад кўзга ташланмоқда.

Абдулла Авлоний айнан болалар таълимига бағишланган “Хурус ила бўри” хикоясида жониворларга нутқ бериб, гўзал образлар яратган. Хикоятдаги хурус юксак ақл тимсоли, у бўрининг сулҳ ҳақидаги гапларига ишонмагани ва унга муносиб жавоб қайтара олгани учун ҳам мана шу мақомга кўтарилган. Мазкур асар дидактик-маърифий характерда бўлиб, ундаги икки образ орқали болаларни одоб ва ақл билан турли масалаларни ижобий ҳал қилишга ўргатиш мумкин. Бўри ҳийлагарлик, айёрлик тимсоли, унинг яқунда пушаймон бўлиб қочиб қолгани ҳам болаларга бу йўлни танламасликни эслатиб қўяди. Хикоятга илова қилинган шеър ҳам асар мазмунини бойитиб, қиссадан хисса шаклида келади:

*Ақл эгаси ҳийлага алданмагай,
Ҳийлагарнинг ҳийласи бошин егай.
Дўст ила душман сўзининг фарқи бор,
Фаҳм этар ҳар кимки, ўлса ҳушёр.*

Авлоний ижодига мурожаат қилишда давом этсак, унинг “Адвокатлик осонми?” асаридаги Абдужаббор ҳажвий образ сифатида гавдаланади. Унинг ҳажвийлиги аслида катта фожиа. Мазкур образда илмни шунчаки пул орттириш воситаси деб ўйлайдиган инсон фожиаси яширинган. Минг афсуски, ушбу кулги ёзувчи ўзи айтганидек, “Туркистон турмушидан олинуб ёзилмишдир”. Бу шундай аччиқ кулгики, Давронбекдек зиёлилар миллат муаммоларини ҳал қилишдан толиқиб тургани ҳолда, Абдужабборлар саҳнага чиқа бошлайди. Ҳажвий образ сифатида Абдужаббор илмсизлиги, фаросатсизлиги билан ҳам аччиқ кулги кўзғатади.

Маърифатпарварлик даври адабиёти намуналарида учрайдиган маърифий образлар икки турга бўлинади:

– намуна сифатида кўрсатилиб, шундай бўлиши керак дейиш мумкин бўлган образлар;

– одобни одобсиздан ўрган қабилидаги, кўриб туриб фикр қилиб, уларга ўхшамаслик зарурлигига урғу берилган образлар.

Юқорида исми келтирилган Абдужаббор ҳажвий-маърифий образи иккинчи турга мансуб ҳисобланади. Мазкур давр адабиёти намуналарида учровчи Зиёли, Домла, Давронбек образлари эса намуна сифатида кўрсатилган маърифий образлар сирасига киради.

Замонавий ўзбек болалар адабиётида образлар хилма-хиллиги кўзга ташланади. Бу даврда яратилган образлар орасида ҳажвий, реалистик, рамзий-мажозий, афсонавий ва фантастик каби турли образларни учратиш мумкин. Айниқса, Худойберди Тўхтабоевнинг “Сариқ девни миниб” асари мавзу жиҳатидан ҳам, образлар хилма-хиллиги билан ҳам бошқаларидан алоҳида ажралиб туради. Насрдаги бу ўзгаришлар шеърятда ҳам аста-секин бўй кўрсатади.

Кейинги йиллари ҳам бу икки тушунча болалар учун ҳаёт давомида керак бўлган унсурлар сифатида болалар учун яратилган асарлар мазмунининг катта қисмини ташкил қилиб келди. Аммо инсонлар эҳтиёжлари ўлароқ бу мавзу ўз атрофига янги ғоялар, янги мавзуларни йиғди. Шундай қилиб болалар адабиёти мавзу кўлами кенгайиб, аста-секин янги мавзуларни қамраб олди. Уларда бугунги давр болаларининг қизиқишлари, интилишлари, орзулари, ўй-хаёллари

акс этгани асарларни улар учун янада ўқишли қилди. Шу жиҳатдан келиб чиқиб, болалар адабиётидаги давр янгиланишларини замонга хос хусусиятлар, инсонлар тафаккури, ўй-хаёлларидаги эврилишлар ва мана шу эҳтиёжлар негизида содир бўлган деб ҳисоблаш мумкин.

Болалар шеърлятидаги шаклий изланишлар даврлар мобайнида мазмун билан биргаликда ўзида наворлик касб этиб борди. Аслан, мазмун нисбатан турғун, шакл ўзи ўзгарувчан ҳисобланади. Азалий мавзулар ҳисобланган ишқ-муҳаббат, эзулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш кабилар минг йиллардан буён турли шаклларда адабий маҳсулот ўлароқ шеърлят ихлосмандлари қўлига этиб бораётгани ҳам шунга далил бўла олади. Болалар адабиётидаги мавзулар қўлами ўзига хос шаклини тақозо этади. Шакл ва мазмун бирлашган нуқтада асар мукаммаллашади. Унинг қиймати ортади. Болалар учун яратилган асарларда ифода лўндалик, ихчамлик, фикрнинг аниқлигини тақозо қилади. Чунки болалар тафаккури шундай асарларни осон қабул қилади.

Минг йиллар давомида шаклланган қолиплар парчаланиши, яъни шаклий изланишларнинг адабиёт майдонига чиқишига ҳам инсонлар тафаккуридаги янгиланишлар сабаб бўлган, албатта. Инсоният онгу шуурига тааллуқли бўлган янгиланиш эҳтиёжи болаларга ҳам тегишли ҳисобланади. Болалар диққатини жамлаш, уларни жалб қилиш, осон иш эмас, албатта. Шакл мазмунга етаклаб борувчи воситалардан бири ҳисобланади. Шакл билан ўзига жалб қилган асар мазмунан ҳам болалар учун қизиқарли бўлиши керак. Мазмуннинг аҳамияти, унинг етказиб берилиши ва муаллифнинг мақсадини очиб беришида шаклнинг ўрни бекиёс. Юқоридаги мисоллар билан шаклий изланишларнинг аҳамияти очиб берилди. Уларнинг болалар онгини, тасаввурини бойитишдаги ўрни, қолаверса, жалб қилувчи характерга эга эканлиги мисоллар ёрдамида изоҳланди. Шаклий изланишлар ҳақида гапирилганда, албатта, унинг адабиётга дахлдорлиги ва мазмун билан ҳамоҳанглигини унутмаслик керак. Яъни шаклий изланишлар шунчаки шакл учун хизмат қилиши керак эмас, улар том маънода мазмунни ҳар жиҳатдан бойитишга хизмат қилиши талаб этилади.

Хулоса. Демак, ўзбек болалар шеърлятида, адабиётида мавзунинг янгиланиши зарурлигини юқорида таъкидлангани каби адабий эҳтиёж ўлароқ қисман қуйидаги мавзуларда кўришимиз мумкин:

Юксак техника тараққиётини миллий анъаналар билан қоришиқ ҳолда акс эттирган бадиий асарлар. Бундай асарлари бугунги кунда ҳам яратилган, албатта.

Мумтоз адабиёт ғояларини ўзида қисқа ва болаларга тушунарли тарзда намоён этувчи ижод намуналарига бўлган эҳтиёж инсоннинг, боланинг рухий эҳтиёжи ўлароқ майдонга чиқади.

Маърифий-ирфоний мазмун касб этувчи шеърлар, ҳикояларга бўлган талаб болаларни ўзликни англашга, замонавийликни анъаналар билан ҳамоҳангликда ўрганишга чорлайди.

Халқ оғзаки ижоди намуналаридан озикланган ва уларнинг оҳангида яратилган асарлар бугунги кун учун болаларни адабиётнинг илк кўринишлари билан таништиришга ёрдам беради. Халқ оғзаки ижодида болалар учун яратилган қўшиқлар ҳамда ёзма адабиёт намуналаридаги оҳангдорлик, уларнинг содда ва равон услуб болаларни ўзига жалб қилади.

Фантастик асарлар болаларнинг тасаввурини бойитади. Уларда санъатга бўлган қизиқишни уйғотади. Ижодий тафаккурининг ривожланишига ёрдам беради. Болалар адабиёти янги турдаги адабиёт намуналари билан бойийди.

Болалар шеърлярида мавзу ва шакл янгиланишларига бўлган эҳтиёж ҳам давр сабаб юзага келмоқда. Бугунги кун болаларини қизиқтирган, уларнинг ўй-хаёлларини тараннум этадиган, орзуларига қанот бағишлайдиган асарларга талаб юқори.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Адашбоев Т., Ражабов Д. Сатрлардан таралган меҳр. — Тошкент. Турон замон зиё, 2017. — 40 б.
2. Азимов И. У. Мастерство создания художественного образа в современной узбекской детской поэзии: Автореф. дис. канд. филол. наук. — Ташкент: 1986. — 23 с.
3. Ашуров Б. Т. Адашбоев шеърлари поэтикаси: Филол. фанлари номз. дисс. 2008. — 156 б.
4. Баракаев Р. XX аср бошларидаги ўзбек болалар адабиёти ва Абдулла Авлоний ижоди: Филол. фанлари номзоди ...дис. автореф. — Тошкент, 1994. — 32 б.
5. Иброҳимова З. Кичкинтойлар адабиётининг хусусиятлари. — Т.: Ўқитувчи, 1994.—120 б.
6. Нўмонова З. Осмоннинг фанори. — Тошкент: Академнашр. 2015. — 38 б.
7. Обиджон А. Мешполвон жангга отланди. — Тошкент: Янги аср авлоди. 2014. — 2014. — 216 б.
8. Қахрамонов Қ. Адабий танқид ва ўзбек болалар адабиёти. — Тошкент: Фан, 1991.—121б.
9. Қуддус Муҳаммадий. Адабий-танқидий мақолалар. — Тошкент: Ёш гвардия, 1979.— 96 б.
10. Қуроноф Д. Адабиёт назарияси асослари. — Тошкент: Академнашр, 2018. — 480 б.

References

1. Adashboev T., Razhabov D. *Satrlardan taralgan mehr* (Kindness spread from the lines), Tashkent: Turon zamon zijo, 2017, 40 p.
2. Azimov I. U. *Masterstvo sozdaniya hudozhestvennogo obraza v sovremennoj uzbekskoj detskoj poezii* (The mastery of creating an artistic image in modern Uzbek children's poetry), Extended abstract of candidate's thesis, Tashkent, 1986, 23 p.
3. Ashurov B. T. *Adashboev she'rlari pojetikasi* (Poetics of Adashbaev's poems), candidate's thesis, 2016, 156 p.
4. Barakaev R. XX asr boshlaridagi o'zbek bolalar adabijoti va Abdulla Avlonij izhodi (Uzbek Children's Literature of the Early 20th Century and Abdullah Avlonij's Commentary), Extended abstract of candidate's thesis, Tashkent, 1994, 32 p.
5. Ibrohimova Z. *Kichkintojlar adabijotining hususijatlari* (Features of the literature of the little ones), T.: O'qituvchi, 1994, 480 p.
6. No'monova Z. *Osmorning fanori* (The fan of the sky), Tashkent: Akademnashr, 2015, 38 p.
7. Obidzhon A. *Meshpolvon zhangga otlandi* (Meshpolvon jumped on the bell), Tashkent: Jangi asr avlodi, 2014, 216 p.
8. Qahramonov Q. *Adabij tanqid va o'zbek bolalar adabijoti* (Literary Criticism and Uzbek Children's Literature), Tashkent: Fan, 1991, 121 p.
9. Quddus Muhammadij. *Adabij-tanqidij maqolalar* (Literary-critical articles), Tashkent: Josh gvardija, 1979, 96 p.
10. Quronov D. *Adabijot nazariyasi asoslari* (Fundamentals of Literary Theory), Tashkent: Akademnashr, 2018, 480 p.